(*Saxifraga sibirica*).

Гуллари тугри гулцургонли, баъзан косачанинг узидан иборат. Купинча 5, баъзан 4 аъзоли. Оналиги купинча икки мева- баргли. Тугунчаси устки, чала остки, 1—2 уяли. Му^им авлод- ларидан бири тошёрар (*Saxifraga*) ^исобланади. Бу 250 турдан иборат, улар асосан, куп йиллик ут, баъзан бир йиллик усимликлар булиб, шимолий ярим шарнинг сову^ ерларида, Арктикада тогли районларнинг тошли ён багирларида усади. СССРда 79 тури, Узбекистон флорасида эса 2 тури учрайди. Шундан сибирь тошёрари (*S. sibirica*) Шо^имардон сойининг )\$авзаларида учрайди (26-раем).

**Гидрангиядошчалар оилачаси** (*Hydrangeoideae*). Бу оилачанинг вакиллари дарахт усимлик булиб, барглари оддий, купинча царам- ^арши жойлашган, ён баргсиз. Гул^ургон баргчалари 5 тадан, тугунчаси чала остки ва остки. Бу оиланинг му^им



авлодларига купинча, декоратив усимликлар сифатида устири- лувчи гидрангия, филлоделфус, дейциялар киради.

**Гидрангия авлоди** (*Hydrangea*). Бунинг икки тури «СССР флораси» китобида курсатилган. Ўзбекистон флорасида учрамайди. Гидрангия хортензис (*H. hortensis*) энг яхши декоратив усимлик сифатида шимолий районларда тувакда, жанубий рай- онларда сову^дан эх;тиёт ^илиш шарти билан грунтда экилади, Гулининг ранги оi\$, пушти ва ^изил булиб, ба^ордан кузгача очилади. Бу усимликнинг асли ватани Хитой.

**Филлоделфус авлоди** (*Philadelphus*). Бу авлод вакиллари барглари оддий, ^арама-^арши жойлашган, гуллари оц бута усимликлардир. Гулцургон баргчалари 4 тадан, оталиги 20 ва ундан ортиф. Тугунчаси остки, 3—5 уяли ва куп уруглидир. СССР флорасида 3 тури учрайди. Ўзбекистонда ёввойи ^олда учрамайди. 8 та тури бизда парк ва боғларда ба^орда очилади- ган оф гули учун бута декоратив усимликлар ^аторида усти- рилади.

**Дейция авлоди** (*Deutzia*). Бу авлод вакиллари барглари ца- рама-арши жойлашган, юлдузсимон тукли ва оi\$ гулли бута усимликлардир. Косача ва тожбарглари 5 та, оталиги 10 та. Тугунчаси остки 3—4 уяли. Меваси шарсимон. Туси^лар буйича тагидан ю^орига айрим мевабаргларга ажралувчи чатновчи ку- сакчадир.

СССР флорасида дейциянинг икки тури учрайди. Ўзбекистонда эса Япония дейцияси (*D. Scabra*) эрта кукламда гуллов- чи декоратив бута сифатида учрайди. Асли ватани Япония.

**Кора^атдошчалар оилачаси** (*Ribesioideae*). Бу оилачанинг вакиллари кичик дарахт усимликлардир. Уларнинг барглари оддий, ён баргсиз. Гуллари икки жинсли ёки икки уйли булиб, чочоф тупгулда жойлашган. Тожбарги 5 та. Тугунчаси остки бир уяли. Меваси резавор-мева. Авлодлари ^ора^ат ва крижов- никдан иборат.

Кора^ат авлоди (*Ribes*). Бу авлодга кирувчилар тиканли ёки тикансиз буталардир. Барглари навбатлашиб жойлашган, пан- жасимон уйилган ва тишли. Гуллари икки жинсли ёки икки уйли. Гул аъзолари 5 тадан. Тожбарги косачабаргидан хийла кичик. Меваси учиди гул^ургон барглари са^ланиб 1\$оладиган сер- сув резавор-мева.

Кора^ат авлодига 150 та тур киради. Шундан 36 тури СССР флорасида, 5 Турфо Ўзбекистон флорасида учрайди. Мейер ^о- ра^ати ва Янчевский ^ора^атлари (тоищоракат) бизда тогли районларда жилгалар атрофида усади. Урта Осиенинг шимо- лида ва СССРнинг бошқа ерларида учрайдиган цора ^ора^ат лаззатли меваси ва хушбуй барги учун унда-бунда экилади (27- раем).

Крижовник авлоди (*Grossularia*). Бу авлод вакиллари бурим ва бурим оралари тиканаклар билан цопланган бута усимликлардир. Уларнинг гуллари икки жинсли, биттадан ёки 2—3 тадан туп булиб жойлашган. Меваси шар хил рангли, тукли ёки силлиф хил мева. Шаротлар ёрдами билан чангланади. Крижовникларнинг ер шари буйича таркалган тури 50 та булиб, 3 тури СССР флорасида учрайди. Бир анча турлари экилади.

Маданий крижовник (*G. reclinata*) новдаси тиканакли, косачанинг ости нектарли, шаротлар ёрдамида чангладиган бута усимлик, куп ерларда экилади. Шар хил навлари куп булиб, улар орасида сферотека замбурурининг таъсирига бардош бера оладиган навлари сам учрайди. Крижовникнинг шундай сферотекка чидамли навлари Мичурин томонидан дурагайлаш йули билан яратилган.

Тошёрардошларнинг хужаликдаги асамияти. Бу оиланинг бир неча турларини экиш раем булган. Масалан, фора оратор, крижовник «С» витаминига энг бой амда хуштам мевали усимлик булгани учун кенг миёсда маданий усимлик сифатида экилади. Тошёрар, гортензия, филоделфия декоратив усимлик сифатида устирилади. Бадан (*Bergenia*) нинг илдизпоя ва баргларида 20 процентга адар ошловчи модда булганидан ундан табиий ошловчи модда манбаи сифатида 27- расм. Кора кррат (*Kibesitigrutn*)

фойдаланилади. Лекин булар орасида ораторлар, филоделфуслар гуллаётган даврда асарилар учун ози манбаи булади. Лекин буладиган турлари учрамаиди. Бу оила вакиллари дарахт, бута, чала бута ёки ут усимликлардир. Барглари навбатлашиб урнашган, оддий ёки

#### Атиргулдошлар оиласи (Rosaceae)

мураккаб ва ён барглидир (28- раем). Гуллари турри, икки жинсли, купинча цуш гулфурронли, исмлари эса 5 тадан, дойра булиб



27- расм. Кора кррат (*Kibesitigrutn*)

А — мевали шохчаси; Б — гули.

жойлашган (баъзан 4—6 тадан). Якка-якка ёки тупгул ^осил филади. Косача баргли, купинча ост косачали булиб, унинг баргчалари косачабаргчалар билан навбатлашади. Гултожи 5 та, эркин, тожбаргдан иборат, баъзан 4 та, одатда, рангли. Оталигининг сони, купинча, тожбаргининг сонига Караганда 2—4 марта зиёд,



**28- раем. Атиргулдошлар оиласига мансуб усим-ликларнинг барг шакллари:**


1 — земляника (*Fragaria vesca*); 2 — тангач^п (*Alchimilla alpina*); 3 — нок (*pirus Communis*); 4 — таволри (*Filipendula ulmaria*); 5 — сарик; чой (*Agrimonia asiatica*).

баъзан ундан кам ёки жуда куп булиб, доирада 5 ва 10 тадан жойлашади. Масалан, 5, 10 (доирада), 15 (10 + 5), 20 (10 + 5 + + 5), 25 (10+10 + 5), 30—50 булиб жойлашади. Гулурни (гиан- тий) ясси, тарелкасимон, пиёласимон, бокалсимон ёки буртган, баъзан меваси пишганда у билан цушилиб усиб, этли сохта ме- вага айланади. Оналикдан таншари гулнинг ^амма цисми гулур- нининг четларига бириккандир (29- раем).

Оналиги 1 та ёки бир неча мевабаргдан иборат, бириккан ёки эркин, 1 та ёки бир неча уругкуртакли булиб, нектарли гулурни- да жойлашади. Буртган гулурнида эркин жойлашади. Чуккан гулурнида булган та^дирда гулурни билан ^ушилиб усади. Тугунчаси устки, чала остки ва остки, мевалари жуда хилма- хилдир: пистача, ёнго^ча, данакли мева, ёйма, тупмева, резавор-мева каби сохта мева ва ^оказо. Уруги одатда эндосперм- сиз, ^ашаротлар воситаси билан, баъзан шамол воситаси билан чангланади. Масалан, кукут (*Poterium*).

Атиргулдошлар оиласи биологик хусусияти жин^атидан 3\$ар хил, 120 авлодни ва 2000 дан орти^ро^ турни уз ичига оладиган йирик оиладир. Бу оиланинг вакиллари ер шарининг ^амма

кисмида, купроф шимолий ярим шарда таркалган булиб, табиий усимликларнинг вужудга келишида мушариф роль уйнайди. Баъзи белгилари билан, масалан, оталигининг куплиги, гинецейининг апокарп булиб, бурган гулурнида жойланиши билан купмевалиларга яқинлашади, аммо купмевалилардан тугунчасининг



29- расм. Атиргулдошлар оиласида гуlining эволюцияси, гулурнинг тузилиши, тугунчасининг жойланиши (схема):  
1 — малина ва маймунжон; 2 — олхури; 3 — итбурун; 4 — олма.

чала остки ва остки булиши, доимий ён баргларининг ҳамда ост косачаларнинг булиши билан фарқ дилади. Атиргулдошлар оиласи 4 оилага: 1) тубулгидошчалар оилачаси (*Spiraeoideae*), 2) итбурундошчалар оилачаси (*Posoideae*), 3) олмадошчалар оилачаси (*Pomoideae*), 4) олхуридошлар оилачаси (*Prumoideae*) га булинади.

**Тубулгидошчалар оилачаси (*Spiraeoideae*).** Булар оддий ёки мураккаб баргли, баъзан ён баргсиз буталардир. Гуллари май- да, чочоқ ёки цалдон типигаги тупгулда жойлашган. Гулурни ясси ёки салгина ботик. Мевабарги 5 та, баъзан куп ёки оз, доирада жойлашган булиб, гулурни билан уралмайди. Апокарп типига тузилади, баъзан ости бирикиб усиб пойчасигина эркин фолади. Мевалари туп ёйма мева, тугунчалари қушилиб усган таадирда меваси кусакча булади.

Бу оилачага Ўзбекистоннинг тоғларида кенг таркалган ҳам- да декоратив усимлик сифатида экиладиган тубулги авлоди киради.

Тубулги чиройли декоратив ва асал берувчи бута усимлик булиб, СССР флорасида унинг 22 тури, Ўзбекистон флорасида эса 5 тури учрайди. Бир неча тури декоратив усимлик сифатида парк ва боғларда экилади (30- раем). Барги четанникига ухшаш мураккаб, четанча ҳам шу оилачага киради.

Бу 10 турдан иборат чиройли бута усимлик булиб, Осиёда тарқалгандир. СССРда, Шарқий Сибирда ва Узоқ Шарада 3 тури учрайди. Ўзбекистонда ёввойи эволда Шоимардон ёки

Хамзаобод ^ишлоги теварагида олга четанчася (*Sorbaria olgae*) учрайди. Фа^ат Урта Осиёда усадиган !\$орамарт (*Exochorda Alberta*) >\$ам шу оилага царайди. Бу сершоҳ ва баланд, оддий баргли, йирик о1\$ гулли бута усимлик булиб, меваси 5 та, ёгоч-ланган, мевабаргдан з\$осил булган кусакчадир. Бу )\$ам декоратив усимлик }\$исобланади.



30- раем. Тол баргли тубулги (*Spiraea salicifolia*):

1 — поясининг бир қисми 2 — гули; 3 — гули кесилган золда;  
4 — гинецей; 5 — оналиклардан биттаси; 6 — мевачаси; 7 — гул  
диаграммаси.


**Итбурундошчалар оилачаси (*Rosaideae*).** Булар бута, чала бута, ут усимликлар булиб, пояси тиканаклар билан 1\$опланган. Гуллари чала остки, тугунчали, мевабарглари 1 та ёки бир 1\$анча ва эркин булиб, бургган ёки ботган хийла чузиц гулурнида жойлашган. Мевачаси данакча ёки пистача ?\$амда ёнго^ча булиб, мевалари мураккаб ва сохта мева, мевачалари чатнамайди.

Оналиги сал кутарилган ва буртган гултожларда урнашган- ларига маймунжон (*Rubus*), ^улуннай (*Fragaria*), бешбарг (*Potentilla*), тангачун (*Alchimilla*) ва итбурун (*Rosa*) авлодлари киради.

**Малина авлоди (*Rubus*).** Бу авлод жуда кенг тарқалган, тур- ларга ни^оятда бой бута, чала бута ёки куп йиллик ут усимлик **булиб**, купинча пояси тиканаклар билан ^опланган булади. Гуллари икки жинсли, баъзан 2 уйли, четдан чангланади. Малина- нинг 22 тури булиб, улар асосан шимолий ярим шарда кенг тар- ^алган. Шундан 42 тури СССРнинг урмон ва дашт зонасида, Кавказца, Урта Осиёда з^амда дарё водийларида усади. 2 тури *R. idacus* ва *R. Caesius* ёввойи ^олда Ўзбекистонда учрайди.

Малина, маймунжон, морошка, поленика ва бош^алар кенг тарқалган турларига киради.


**Малина (*Rubus idacus*).** Бу бачкиси ор^али купаювчи, мураккаб, лентасимон баргли чала бута булиб, пояси игнасимон тиканакчалар билан ^опланган. Гуллари майда, оф тожбарглари косачабаргларидан ^ис^аро^, гулурни и\$уруи\$. Меваси кук- нор ранг-^изил, баъзан сари^ рангли, данакчали тупмева булиб,



гулцуррон урнида осонлик билан ажралади. Малина ёввойи ^ол- да Европада, Кавказда, Сибирда, Урта Осиёнинг шимолидаги тоғларда усади (31-раем).

Малинанинг навлари куп, хусусан, Мичурин чи^арган «Х|о-силдор», «Тихас» ва боища навлар ди^к;атга сазовордир. Булар серсув ва хушбуй мева сифатида экилади. Шу жумладан, Ўзбекистонда 5\$ам унда-мунда кичик пайкалларда учрайди.

**Маймунжон (*R. caesius*).** Бу новдалари ётиб, уралиб усувчи, пояси сертиканак, барглари йирик, уч булакчали, урта- дагисининг банди ёнидагилариникидан анча узун, оф гулли чала бута булиб, малинадан фора рангли туда данакчали ширин мевасининг кукиш мум руборлар билан фолланганлиги, гулто- жидан ажралиб тушиб кетмаслиги, з^идсиз булиши билан фарк филади. Бу Урта Осиёда кенг таркалган резавор бутача булиб, текисликда ариф ва канал буйларида, тоғларда эса жилгаларда, -Тоғ ёнбарирларида усиб, чакалакзорлар ташкил филади. Тогда бута ва дарахтлар усадиган поясларда з\$ам усади. Меваси ян- гилигича ейилади ва мураббо филинади. Сироп ва винолар ^ам тайёрланади. Мичурин танлаш йули билан маймунжоннинг ёкиладиган «Изобильная» навини чи^арган.




32- раем. Земляника ва морошка:

*a* — земляниканинг (*Fragaria vesca*) умумий к^риниши; *b*—морошканинг умумий к^риниши; *1* — гулнинг б^йига кесити; *2* — мураккаб меваси; *3* — мевачаси; *4* — эркак гули.

**Морошка (*R. chamaemorus*).** Бу куп йиллик ут усимлик. Барглари юраксимон-буйраксимон, уч булакчали. Мева берувчи нов - даси тик кутарилган ва якка гулли, гули бир жинсли. Меваси аввал 1\$изил рангли булади, пишгандан кейин сарраяди, фуриган мевасини ивигилгандан кейин еса булади. Мевасидан мураббо ва ичимликлар тайёрланади. Морошка усган шароитда, тундра зонасида поляника ёки мамура усади. Унинг меваси фораamtир - физил ва хушбуй булади (32- раем, *b*).

Земляника авлоди (*Fragaria*). Бу авлод вакиллари попул илдизли, фисфа илдизпояли куп йиллик ут усимлик. Илдизпояси- дан ер устига ётиб усувчи узун новда танобчалар чи^ади. Та- нобчалар тупровда кумилиб фолиб, муста^камланиб бугимидан янги туплар беради. Барглари узун бандли ва уч булакчали, бу- лакчалари аксари думало^ ёки ромбсимон булади. Гуллари оф, икки жинсли, баъзан икки уйли. Мевасининг данакчалари этли, ширин, физил рангли, еса буладиган, гулурунда ботган ^олда жойлашган }\$ул мевасимон куп данакчалардан иборат. Земляника авлоди 50 турдан иборат булиб, шундан 7 тури СССР тер- риториясида учрайди (35- раем) ва ёввойи фолда усадиган икки тури (*F. ananassa*) ва Виргиния цулупнайлари (*F. Virginiana*) хамда Чили фулупнайи (*F. chiliensis*) экилади. Ананас фулупнай- нинг меваси 1\$изил ёки физгиш-оф булиб, каердан келиб чиффани номаълум. Виргиния фулупнайи цизил мевали булиб, ватани Виргиния ^исобланади (33- раем). Ўзбекистонда эса ёввойи з\$олда



33- раем. Кулупнай (*Fragaria grandifolia*).

Усадиган фулупнай турлари учрамайди. Экиладиган шу турлар- дан олинган гибридлар *F. grandiflora* ва *F. ananassa* турлари- ни берган. Аммо республикамизнинг йирик ша^арлари атрофи- да барва^т ейиладиган резавор-мева сифатида ю^оридаги 2 тур экилади. Кулупнай Ўзбекистонга царийб бундан 100 йил му- цаддам келтирилган булиб, Октябрь революциясига цадар фа- фат ^аваскорлар экини булиб, кичик пайкалларга экилар эди.



Кулупнай з\$озир колхоз ва совхоз далаларида з\$ам узига яраша жой эгаллайди. у^ар гектардан олинадиган }\$осил 5—15 тоннага- ча етади. Меваси янгилигича ва 1\$айта ишланган з\$олда ейилади.

**Бешбарг авлоди (*Potentilla*).** Булар куп йиллик, баъзан бир йиллик, икки йиллик ёки чала бута усимликлардир. Уларнинг ‘Пояси тик ёки ер багирлаб усадиган, баъзан урмаловчи ва буги- ^мидан ерга муста^камланувчи булади. Барглари уч булакчали, .панжасимон ёки патсимон. Гуллари тугри, сари1\$ рангли, 1\$уш жосачали. Косачабарги 5 тадан, тожбарги }\$ам 5 та, баъзан 4 'та. Оталиги з\$ам, оналиги }\$ам куп. Тугунчаси устки, меваси туда данакча. Бу авлод гоаят полиморф булиб, 200 дан ортирфок; турни уз ичига олади. Шундан 150 таси СССР флорасида, 22 тури Узбекистон флорасида учрайди. Бизда кенг таркалган турлари- ,га бешбарг (*P. reptans*) киради. Бу куп йиллик, йугон илдизли, пояси ингичка, .узун ва ётиб усувчи, буримларидан янги новдалар 'бзрукш, якка-якка йирик сарик; гуллари барг шллтигидан чивдан "ft ^симлик булиб, текисликда ^ам, торларда }\$ам, зах ерларда .хай усади. Пакана бешбарг (*P. Supina*). Бу бир йиллик ёки яинжи йиллик, пояси нозик, якка ёки бир к;анча, буйи 5—50 см келадиган, барглари патсимон усимлик булиб, купр01\$ сугориладиган ерлардаги ари!\$ буйларида усади.

**Какликут авлоди (*Dryas*).** Булар оi\$, баъзан сари1\$ гулли чала бутачадир, асосан тундра зонасининг ва баланд тоғлар- нинг усимлиги з\$исобланади. Тундрада манзара з\$осил 1\$илади. СССРда бунинг 10 тури учрайди, аммо Узбекистонда булар уч- рамайди, меваси туда данакча булиб, данакчасининг банди узун, латли усимтага айланади. Бу усимта унинг шамол ва хайвонлар воситаси билан з\$ар томонга тар1\$алишига ёрдам беради. *D. oc- topetala* декоратив усимлик сифатида экилади. Унинг барг ва шохларида ошловчи моддалар бор. У сохта чой }\$амдир.

**Тангачуп авлоди (*Alchemilla*).** Бу авлод вакиллари куп йил- -лик ва бир йиллик ут усимликлардир. Уларнинг барглари од- дий, узун бандли, думало^, уйилган ёки 1\$ирв;илган ва ёнбарг- лидир. Гуллари майда 1\$ал1\$онсимон тупгулда жойлашган. Косачабарги 4 та, тожбарги йуц. Оналиги 1 та. Пойчаси тугунча тагидан чивдан ва думалок; тумшу 1\$ли. Меваси данакча булиб, бакалсимон гулурнининг бугзида жойлашади. Бу у^ав. роят кат- та, ашцлаш 1\$ийин булган полиморф авлод булиб, шимолий ■ярим шарнинг }\$аммасида тар^алгандир. СССР флорасида 151 тури, Узбекистон флорасида 6 тури булиб, у торли районлар- :да — яйловларда ва майсазорларда учрайди. Баъзилари яхши «ем-хашак ^исобланади (34- раем).

**Итбурун авлоди (*Rosa*).** Бу авлод вакиллари пояси 1—3 м, тик чид^ан, тиканаклар билан 1\$опланган, баъзан илашиб усувчи абута усимликлардир. Барглари тоц патсимон, мураккаб, ёнбарг-.


ли Гулурни кузачасимон, етилган пайтда гипантйи юмшайди- ва жигар ранг, цунрир, ту 1\$ цизил ёки олов ранг-^изил, сари1\$ тус- га киради. Гуллари 2 жинсли, йирик, сщ, пушти, сарш^ рангли, хушбуй, ^уш гулцурронли. Косача ва тожбарглари 5 тадан. Ота- лик ва оналиклари куп. Тугунчаси остки, меваси сохта, туда да- накчали. Бу авлодга 120 тур кира- ди, шундан 62 тури СССР флора- сида таркалган, Узбекистонда эса 17 тури учрайди. Бундан тапшари, Узбекистонда яна 5 тури экилади. Бизда купроц гули пушти, гипан- тийи ту 1\$ 1\$изил, узунлиги 2—3 см, тухумсимон, ба^увват йирик бута Федченко итбуруни (*R. Fedtchen- koana*), гули сариц, гипантйи шар- симон, гулининг диаметри 1 —1,5 см, жигар ранг-дэра (39- раем) бежи- рим бута итбурун (*R. Cocanica*) э\$амда гипантйи майда, шарсимон, диаметри 1 см дан ошмайдиган, к>о- рамтир-1\$изил рангли кичикрок; бута жингул (*R. beggeriana*) кенгтар^ал- гандир (35-раем). Улар тогли ра- йонларда, чакалакзор ташкил 1\$и- лади. Итбурун турлари осонлик би- лан узаро чатишади. Шу хилда олинган баъзи гибридлари, атиргул сифатида 1\$адим вацтлардан бери экилиб келмо^да. Атиргулнинг 600 дан орти!\$ нави бор. Эрамиздан 4 000 йил му 1\$аддам чи^арилган танга-ча^аларга атир- гулнинг расми туширилган.

**Кизил атиргул** (казанликская роза). Унинг буйи 1 —1,5 метр, гули 1\$атма-1\$ат, пушти ёки *цзил*, хушбуй булиб, эфир мойи олиш ма1\$садида экилади. 4—5 тонна тожбаргидан 1 кг ^имматбахо\* роят хушбуй эфир мойи олинади. Бир гектар ердаги гулдаж 700 грамм эфир мойи чи^ади. Урта Осиё республикаларидач Тожикистонда, СССР да КР<sup>им</sup>Д<sup>а</sup>> Кавказда жуда куп ми1\$дор- Да, Болгарияда Казанлик водийсида экилади. Казанлик атир- гули деб аташнинг сабаби з\$ам шу. Итбурунларнинг меваси- витамин «С» га роят бой. Бу оилачанинг шунга ухшаш гулурн» бокал ёки кузачасимон булган вакилларига четан ёки почацир- ^аР (*Hulthemia*) }\$ам киради. Почак;ир 1\$ар пакана, сертикан,, буйи 15—30 см келадиган бута усимлик. Барглари оддий, гул-



34-раем. Тангачуп (*AlehiemiU'cy vulgaris*).

лари якка-якка, 2 жинсли, гултожи сари^ рангли, тожбаргининг таги ^изил дорлидир. Оталиклари чексиз, цорамтир-бинафша рангли меваси (гипантйи) ясси шарсимон, диаметри 1 см чама-сида, жигар ранг булиб, усти игнасимон тиканчалар билан т^оп-ланган. Бу авлоднинг 2 тури (*H. berberifolia* ва *H. Pessica*) бор.



35- расм. Федченко итбуруни (*Rosa Fedtschenkoana*).

Улар асосан Урта Осиё республикаларида сугориладиган ерлар - да ва тоғ^этакларидаги j^ар хил тупро^ларда усади. Бачкиси ор^али купаювчи бегона утлардан ^исобланади.

**Олмадошлар оилачаси (*Rosoidae*).** Бу оилачанинг вакил-лари дарахт ва бута усимликлардир. Уларнинг барглари, купин-ча, оддий, баъзан мураккаб, тушиб кетадиган, ёнбаргли, гулко-сабарги ^ам, гултожбарги ^ам 5 тадан. Оталиги одатда 20 ва ундан орти^ ( $10 + 5 + 5$  ёки  $10 + 10 + 5$ ). Тугунчаси остки. Ме-вабарглари 2—5 та, баъзан 1 та булиб, ^ар ^айси мевабаргда

1 ёки бир ^анча уругкуртак булади. Гулуринда боти^мева-барглари гулнинг этли узаги билан ^ушилиб усади. Натижада этли сохта олмасимон мева ^осил булади. Мевасининг учиди ко

сача 1^олади. Бу оилачага олма, нок, бе^и, четан, мушмула, ду - лана, иргай ва бопща авлодлар киради.

**Олма авлоди (*malus*).** Бу авлод вакиллари барглари оддий, банди бутун, купинча >^ар хил овал шаклларда, остки томони тукли, четлари аррасимон тишли, ёнбарги тушиб кетадиган усимликлардир. Уларнинг гуллари йирик, тугри, ^уш гулк;ургон- ли, кичикро^ булиб, сийрак гули соябон туггул ^осил цилади. Косабарги ^ам, тожбарги ^ам 5 тадан. Гултожининг сирти оц, ич томони пушти ёки ту^ пушти, ^изил (Наманган ^изил олма- сйда). Оталиги куп, чангдони сариц рангли, оналиги 5 та булиб, мевабаргларининг ости ^ушилиб усади. Тугунчаси остки, 5 уяли. Меваси со-хта. Огирлиги 20 г дан 600 г га боради (36-раем).



36- раем. Олма (*Malus domestica*):

*a* — гул шохчаси; *б* — кесилган гул; *в* — б^йига кесилган меваси; *г* — к^ндаганига кесилган меваси.

Олмалар авлодига 50 дан орти^ро^ тур киради. 13 тури СССР территориясида, 7 тури Узбекистоннинг тогли районларида тарк>алган ва катта олмазорлар ташкил килади.

К,иргизистонда ^ам, К,озогистонда ^ам, Узбекистонда 5^ам ва Тожикистонда ёввойи олмалардан ташкил топган олмазорлар бор. Узбекистонда Олмали^, Тожикистонда Себистон каби жой- ларнинг номи ^ам у ерда олмалар усганидан дарак беради. Ев- войи олмаларнинг географик тар^алиши маълум ^онуниятга буйсунади. Олмалар тоглларнинг урта ^исмида, дарахт, буталар Усадиган **пояеда** арчалар билан цушилиб усиб, кичик ёки катта

олмазорлар ^осил ^илади. Еввойи олмалар меваси хилма-хил: майда ва йирик, ширин ва тахир булади. Август ва сентябрь ой- ларида пишади. Хар гектар ердаги табиий олмазорлардан 10 тоннага яцин ^осил олиш мумкин. Улар орасида тахирро^ ва нордон мевалилари билан бир ^аторда ширин ва мазалилари ^ам бор. Еввойи олмаларнинг йирик ва ширин мевалиларига Сивере олмаси (*P. Sieversii*), Недзвецкий олмаси (*P. Nedzwed skyana*), майда мевалиларига эса паллос олмаси (*P. Pallosiana*) ^амда дулана олма (*P. prunifolia*) лар кирази. Еввойи олмалар совуада роят чидамли булганлигидан, одатда, олмаларнинг со- вуеда чидамли янги навларини чик>аришда пайвандтаг булиб хизмат ^илади.

**Маданий олма (*M. domestica*).** Бу олмаларнинг меваси йирик булиб, ^ар хил: чунончи, Апорт, Анис, Налив (пахта олма), Кандиль (тухум олма), Ренет, Аштархон, Антоновка ва бошца нав- ларни уз ичига олади. Булар ер шари буйича куп экиладиган турлар ^исобланади. Маданий олма навларини яратишда ёв- войи олмаларнинг ^ар хил турларидан фойдаланилади. Мева- чилик со^асидаги йирик мутахассислардан Н. Г. Жучковнинг фикрига кура, маданий нав олмалар ёввойи олмаларнинг 8 та турининг узаро чатишиши натижасида келиб чивдан. И. В. Мичурин дурагайлаш ва кучатларни тарбиялаш йули билан меваси роят мазали узо^ ва яхши са^ланадиган, ^атти^ сову^ларга бардош бера оладиган олманинг 60 дан ортик; навини яратди.. Мичурин томонидан яратилган энг яхши олма навларига 600 г ли Антоновка, Бельфлёр-Китайка, Бесмянная Мичуринская, Анисовка ва бошцалар мисол була олади. Маданий нав олмалар осонлик билан узаро чатишади. Улар урурдан экилганда аввалги хусусиятларини ^айтаради. Навни яхши са^лаш ма^са- дида олмалар вегетатив купайишнинг бир усули булган пайванд 1\$илиш йули билан купайтирилади.

Майда мевали маданий нав олмага дулана олма (*M. pruni- folia*) мисол була олади. Унинг буйи 5—6 м, гули оц, меваси кук- султондек булиб, шимолий ярим шарнинг урта поясида мевали усимлик сифатида экилади. Баъзи ^аваскорлар уни Узбекистонда ^ам экади. Олма бундан 4000 йил му^аддам экила бошлан- ган ^адимги усимлик булиб, унинг 10 000 нави бор. Шундан 500 нави СССРда экилади.

Совет Иттифо^ида мева ва резавор-мева экиладиган ерлар- нинг учдан бир ^исмини олма ишрол этади. Урта пояеда олма мева кучатлари орасида ишрол этган майдони ва берадигак ^осили жи^атидан ^ам биринчи урини эгаллайди. Олма мазали, хушбуй, асал берувчи усимлик х;ам ^исобланади. Мевасида 5—15% ^анд, 0,2—1,3% олма кислотаси, пектин, клетчатка, сув, 83, 90% «А», «В», «С» витаминлар бор. Олманинг мевасини

янгилигича ^ам, ^уритилгандан кейин ^ам, ^айтадан ишлангандан кейин ^ам истеъмол килиш мумкин.

**Нок авлоди (*Pirus*).** Булар дарахт ва бута усимликлар булиб, баъзи шохлари купчилик турларида узун тиканга айланган. Барглари оддий, узун бандли, тездан тушиб кетадиган ёнбаргли. Гуллари турри, 2 жинсли ^уш гул^урронли булиб, ^ал^онсимон тупгулда жойлашади. Гултожбарги 5 та, ок; рангли, оталиги куп. Чангдони ^изриш-бинафша, оналиги 5 та мевабаргли, пойчаси тагигача эркин. Хар ^айси мевабаргда 2 тадан уруркуртак булади. Мевасининг эндокарпи тогайли сохта данакча, этида тошли ^ужайралар булади. Хашаротлар воситаси билан чангланади. СССР флорасида нок авлодининг 18 тури, Узбекистан флорасида эса 4 тури учрайди. Бизда ёввойи ^олда учрайдиган шу 4 туридан таш^ари, 4 та маданий нави ^ам бор. Кенг микёсда экиладиган ва ёввойи ^олда ^ам учрайдиган турига оддий нок киради.

**Оддий нок (*P. communis*).** Унинг шох-шаббаси пирамидал, гули оi\$ рангли, иссицсевар дарахт булиб, купро^ жанубда тарқалган. Меваси этли, серсув, ширин, шакли эса )^ар хил, купро^ ноксимон булади (37-раем).

Оддий нокнинг нави 5 000 га етади, шундан 130 нави СССРда экилади. И. В. Мичурин нокнинг ^ар хил хусусиятларга эга булган 25 дан орти^рок; навини яратди. Шулардан совуеда жуда чидамли Уссурий ёввойи ноки билан Бере Роялни чатиштириш йули билан олинган Бере Зимняя нок нави роят дидатга сазовордир. Оддий нок г;ам жуда куп экилади. Мевасида 5—15% i\$анд ва 0,099% гача олма кислота бор. Янгилгича, ^уритиб ва консерва цилинган ^олда истеъмол килинади. Узбекистонда *P. Regelii*, *P. Bucharica*, *P. Korshinski*, *P. Vavilovii* ноклари ёввойи }\$олда учрайди.



37- расм. Нок (*Pirus communis*):


A — гулли шохчаси; B — о^ина кесилган гули; C — бриван кесилган меваси; D — гул диаграм-

vii ноклари ёввойи }\$олда учрайди.

**Бе^и авлоди (*Cydonia*).** Бу авлод вакиллари ён шохчала-ри тукли, барглари тухумсимон, четлари текис, i\орамтир-кук рангли, осткитомони pi\$ наматсимон тукли, гуллари якка-якка,

■ он пушти рангли, икки жинсли, цуш гул^ургонли йирик бута ёки дарахтлардир. Меваси навларига 1\$араб шарсимон ёки чузи1\$ овалсимон (нок, бе^и), хушбуй булиб, этли 1\$исми нокдаги каби тошсимон ^ужайраларга эгадир. Урурларига нам тегиши билан ёпиш^о^ булиб ^олади. Уз-узидан чангланиши билан олма ва нокдан фар^ **цлаци**. Нокнинг фаъ;ат бир тури (*C. oblonga*) СССРда Грузия, Озарбайжон, Туркменистонда ёввойи ^олда усади. Урта Осиёда, Озарбайжонда, Кавказда, К>римда ва Ук- раинада экилади. Асли ватани Гарбий Осиё ^исобланади. Меваси ов1\$атга, купро1\$ мураббога ишлатилади. Бе>\$и 1\$аламча, пархиш йули билан купайтирилади. Нок учун пайвандост булиб ^ам хизмат цилади.

**Четан авлоди (*Sorbus*).** Бу авлод вакиллари буйи 3—5 метр келадиган дарахтлардир. Уларнинг барглари патсимон му- раккаб, баъзан оддий ва ёнбаргли. Гуллари икки жинсли, т/т-



38-раем. Оддий четан (*Sorbus aucuparia*):

1 — гулли шохи; 2 — кесилган гул; 3 — мевасининг к'идаланг кесиги; 4 — эрон четани (*Sorbus persica*)нинг гулли шохчаси.

ри, о^-сарриш, оi\$, баъзан пушти булиб, соябонсимон йирик рувак тупгулда жойлашади. Меваси думало^, туг\$ **цизял** ва кук руборли. Олмага ухшаб тузилган. Аммо уяси олманикига ухшаш 5 та булмай, 2—3 та булади. Мевасини сову 1\$ ургандан кейин еса булади (38-раем). У витамин «А» га бой. ^озирча че-

таннинг 85 тури маълум. Шундан 33 тури СССР флорасида, 3 тури (*S. persica*, *S. turcetanica*, *S. tiansehanica*) Ўзбекистан торларида усади. Четан дарахт ва буталар усадиган пояеда, 2000—3000 м баландликда } Сам учрайди ва 1\$алин четанзорлар 5\$осил 1\$илади. Бундай четанзорлар Тенгизбой довоинига кутарилишда з\$ам учрайди, шунга кура уша жой Четинли деб ном олгандир. Маданий нав четанлар ёввойи четандан келиб чиқандир. Четан турлари осонлик билан узаро чатишади. И. В. Мичурин четаннинг к;изил, йирик, ширин мевали 5 навини яратган.

**Иррай авлоди (*Cotoneaster*).** Бу авлод вакиллари тикансиз бута ёки дарахтчалардир. Уларнинг барглари оддий, 1\$ир 1\$илмаган, четлари текис, тухумсимон, навбатлашиб жойлашган. Гуллари майда, 1\$ал 1\$онсимон тупгул з\$осил 1\$илади. Оталиги 20 та, олмасимон, меваси унли, икки данакчалидир. Иррайнинг 50 тури маълум. Шундан СССР флорасида 10 тури, Ўзбекистонда эса 5 тури тар 1\$алгандир.

**Цора мевали иррай (*C. melocarpa*).** Бу гули пушти, меваси i\$ора рангли, бута усимлик булиб, СССР территориясида кенг тар 1\$алган. Декоратив усимлик сифатида бор ва паркларда экилади. Нокни пайванд 1\$илиш учун пайвандтаг сифатида тавсия цилинади.

**Дулана авлоди (*Crataegus*).** Бу сершоҳ, тиканли, баъзан тикансиз дарахт ёки бута булиб, буйи 10 метр га ча етади. Новдаси *цатмиц* ва узун тиканли. Барглари оддий, йирик тишли, ^йилган, баъзан 1\$ийилган. Тупгули дал^онсимон тузилган. Гуллари о»; з\$идли. Меваси четанникига ухшайди, аммо ундан катта, турларига i\$араб сарш\$, 1\$изил ва 1\$орамтир-1\$изил, унли, 1—5 данакчали булади. Меваси август, сентябрь, октябрь ойларида пишди (39- раем). Дулана авлоди 700 дан ортиқрок; турдан иборат булиб, улар шимолий ярим шарда, хусусан Шимолий Америкада куп-



39- раем. Сарик мевали дулана (*Crataegus pontica*):  
-гулининг б'йига кесити.

- мевали шохчаси; 2 -



рои таралгандир. Шундан СССР флорасида 40 тури булиб, СССРнинг Европа қисмининг урмон-дашт зонасида, Сибирда, Урта Осиёда ва Кавказ тоғларида *C. altaica* — меваси тусари; *C. remotiloba* — меваси цизен; *C. pontica* — тикансиз, меваси сари; *C. Songarica* — меваси Сорамтир-қизил; *C. turkestanica* — меваси қизил, усади. 5 тури бизда тоғларнинг дарахт, буталар усадиган поясида, дарёлар водийсида усади.

**Олхуридошчалар оилачиси (*Prunoidae*).** Бу оила вакиллари дарахт ва бута, барглари оддий, қилмаган, тушиб кетувчи, кичик ёнбаргли усимликлардир. Гуллари ёки пушти, гулвдорон барглари 5 тадан. Оталиги 10—20 та булиб, гипантийнинг қирроғида жойлашади. Гулурни боқалсимон тугунча билан ушилиб усмайди. Мевабарги 1 та, тугунчаси устки, этли, икки уруркуртакли булиб, купинча, 1 таси тараедий этади. Меваси ўруч ёки серсув, данакча. Бу оилачага бодом, тоғолча, шафтоли, ғрик, гилос, олча, лавролча киради-

**Бодом авлоди (*Amygdalus*).**

Бу авлод вакиллари дарахт ва бута усимликлардир. Уларнинг барглари ланцетсимон, қанчалар бандли. Гуллари пушти ёки қизил, қарийб бандсиз булиб, барг қуришга қадар очилади. Бу жуда эрта гулловчи мева усимликлардандир. Меваси ўруч данакча, мезокарпи этли ва қаттиқ, силли ёки турсимон эгатчали, баъзан ралвираксимон булади. Бодомлар 40 турдан иборат булиб, Урта денгизда, Олд Осиёда, Марказий Хитойда таралгандир. У хушбуй ва ширин марзидан олинадиган ёғи учун экилади. СССР флорасида унинг 16 тури, шундан Ўзбекистон флорасида 4 тури учрайди.

**Оддий бодом (*A. communis*),** Бу буйи 4—6 метрга етадиган тикансиз дарахтча булиб, субтропик иқлимли мамлакатларда экилади. Ўзбекистонда сурориладиган ерларда, хусусан, Фаррона водийсида ва Сурхондарё, Қаншадарё воқчаларида экилади. Ўзбекистонда Паркент районида учрайди (40- раем). Марзи купинча аччш



40- раем. Бодом (*Amygdalus communis*):

1 — гулли шохи; 2 — барг ва етилган мевали шохи; 3 — да нағи.

булади, 50 процентгача ёри бор, марзидан парфюмерия сано- атида ва медицинада ишлатиладиган бодом ёри олинади.

**Бухоро бодом** (*A. Bucharica*). Бу }\$ам оддий бодомга ух- шайди, аммо ундан данагининг ралвирак булмасдан, силли1\$ бу- лиши билан фар1\$ цилади. Фаррона, Самарканд ва Сурхондарё -областларида тар^алган. Лекин катта бодомзорлар ташкил эт- майди.

**Бодомча** (*A. spinosissima*). Бу буйи 1,5—2 метр, шохчалари кенг, тиканли, пуслори оқимтир-кул ранг бута булиб, тор^так- ларидан бошлаб урта 1\$смига 1\$адар тар^алган. Ёввойи бодом- лар 1\$уррок;чиликка чидамли булганидан очи1\$ ва i\$уруи\$ тор ба- р.ирларини дарахтзор ^илиш ^амда бодом ва шафтоли учун пайвандтаг булиб хизмат к;илади.

**Тоголча авлоди** (*Prunus*). Бу дарахт, баъзан бута ^олида усувчи усимликдир, барглари 1\$ир1\$илмаган, навбатлашиб жой- лашган. Гуллари якка ёки тупгул. Гуллари барглари ёзилиши билан бир ва^тда ёки олдинро1\$ очилади. Косачабарги х;ам, тож- барги 5\$ам 5 тадан. Оталиги куп. Тугунчаси бир уяли ва бир уруркуртакли. Меваси бир урурли, этли, серсув, з\$ар хил рангли, данакчали. СССР флорасида торолчанинг 7 тури, Ўзбекистан флорасида эса 2 тури (*P. Sogdiana*, *P. divaricata* ва *mirabilis*) учрайди.

**Керикторолча** (*A. divaricata*). Бу буйи 3—6 м, тиканли, ёш новдаларининг пуслори жигар рацг-1\$изил, гуллари купинча оқ; дарахт ёки куп танали бута. Мевалари сари1\$, 1\$изил, гуи\$ 1\$изил, данакчаси этидан яхши ажралмайдиган булади. Тогда купро!\$ ёнроцзорлар тагида усади.

**УарКj торолчаси** (*P. ferganica*). Бу }\$ам бута, гуллари пушти рангли, тугунчаси тукли, меваси ц,орамтир-1\$изил, данаги этидан ажралади. Фаррона ва Чот1\$ол тизма торларида учрайди.

**Олхури** (*Prunusdomistica*). Бу тикансиз ёки сал тиканли дарахт булиб, о!\$имтир гуллари барги ёзилиши билан тенг очилади. Мевалари узунлиги 2 см келадиган бандчаларда осилган булади. Мевасининг ранги 2\$ар хил, усти руборли булади. Бунинг х;ар хил навлари булиб, эски ва янги 1\$итъаларнинг муътадил зона- сида тарцалган. Ёввойи ^олда учраши номаълум. Бу )\$ам торол- чаларнинг з\$ар хил турларининг узаро чатишиши натижасида келиб чивдан булиши мумкин. Кенг ми^ёсда экилади, 2000 Дан орти1\$ нави бор. Меваси эдллигича ^ам, 1\$уритиб }\$ам ов^атга ис- теъмол 1\$илинади. Чалпак тайёрланади, мураббога ишла- тилади.

**Олча авлоди** (*Cerasus*). Бу дарахт ва бута усимлик булиб, барглари оддий, силли1\$, четлари тишли, тухумсимон ёки эллипс- симон ва узун бандлидир. Гуллари турри, оi\$ рангли, оддий соя- бон шаклида тузилган. К,уш гулвд/рронли, оталиги куп, оналиги

битта. Тугунчаси устки. Меваси шарсимон, 1\$изил, 1\$орамтир ва сари1\$ рангли, серсув, данакли мева. СССР флорасида унинг 21 тури, Узбекистан флорасида 6 тури учрайди. 2 тури гилос (*C. avium*), олча ёки олволи (*C. Vulgaris*) бизда куп экилади. Гилос ва олча эски ва янги 1\$итъаларнинг урта поясида }\$ам экилади. Навлари куп.

**Урик авлоди (*Armeniaca*).** Бу шох-шаббали, танасидаги пустлори кул ранг ва ёрилган дарахтдир. Ёш новдалари 1\$изил, гуллари **цуща** бандли, меваси этли, сувли, пишганда чатнамайди-ган думало^ ёки чузицро1\$, данаги осонлик билан ажрайдиган данакли мевадир. Урикнинг 8 тури булиб, СССР флорасида шу 8 тури учрайди, Узбекистонда эса 4 тури экилади. **Оддий урик (*A. Vulgaris*).** Бу дарахт, баъзан бута, гули ичидан ок; ёки пушти булиб, барг чи1\$аргунча очилади. Меваси этли, сарик;, ту 1\$ сари^, баъзан 1\$изил дорли, тукли, ширин ва хушбуй ^идли. Мевасида 4—12,5% 1\$анд, кислота ва витаминлар, магзида 35% га цадар ёги булади. Янгилгида ^ам, 1\$уритилганда }\$ам, консерва



41- раем. Шафтоли (*Persia vulga-* Булар дарахт усимликлар

*ris*):

*A* — гулли шох; *B* — кесилган меваси;  
*B* — мевасининг устидан куриниши; *Г* —  
мевасининг чокидан куриниши.

1\$илинган ^олда }\$ам истеъмол этилади. Абрикос ликёри тайёрланади. Урик асосан Урта Осиё республикаларида, хусусан Тожикистон республикасининг Ленинобод областида куп экилади. Кавказ, К,рим, Украина, Молдавияда )\$ам урикзорлар бор. Аммо урикзорларнинг 65 процента Урта Осиёдадир. Урик Хитой ва Японияда, Африкада, Америка ва Австралияда з\$ам экилади.

**Олхирот.** Бу буйи 5—8 метр, ён новдали ингичка силли!\$ ва 1\$изилр01\$ дарахтдир. Унинг гуллари 01\$ ёки пушти, меваси 1\$орамтир-1\$изил булиб, Узбекистонда унда-бунда экилади.

**Шафтоли авлоди (*Persica*).**

булиб, барглари ланцетсимон, буттягы гүлгитти рки тсы гуллари пушти ёки ций-ЗИЛ рангли, МеБЭСИ тухумСИМОН, шарсимон ёки анжирсимон, жуда сувли, пушти майда тукчалар билан 1\$опланган, данакли мевалидир (41- раем). Бу авлодга 6 тур киради. Булар Шимолий ва Марказий Хитойда тар^алган. Бундан 3 тури: оддий шафто-

ли (*P. Vulgaris*), мевасининг пусти тукли, анжир шафтоли (*P. Platycarpa*), мевасининг пусти тукли, аммо анжирга ухшаш яеси, луччак шафтоли (*P. nucipersica*), мевасининг пусти туксиз, Ўзбекистонда ширин, серсув меваси учун экилади. Шафтолилар - нинг нави 5 000 га етади. Шундан 100 дан орти!\$ нави СССРда экилади. Шафтоли бодом билан осонликча чатишади. Мевасида 15—20% 1\$анд, кислоталар, «С» ва «А» витаминлари бор. Маг- зйДа 60% га 1\$адар ёг булади.

**Черемуха авлоди (*Padus*).** Бу авлод вакиллари кичикро^ даракхдир. Уларнинг барглари оддий, тескари тухумсимон ёки овал шаклли, этли булади, барглари ва луби мижирланса узига хос з\$ид чи 1\$аради. Гуллари оi\$, икки жинсли, хушбуй, осилган ^олда йирик чочо!\$ тупгулда урнашган. Данакли меваси шарсимон, майда, эти юмшо!\$, i\$ора рангли булиб, ейишга ярайди. Аммо таркибида ошловчи моддалар куп булганидан мазаси та^ хирро 1\$ булади.

СССР флорасида черемуханинг 3 тури учрайди. Улар СССР Европа 1\$исмидаги дарёларнинг 1\$ирго 1\$ларидаги урмонларда }\$амда Сибирда, Узо 1\$ Шарада, Урта Осиёнинг шимолидаги урмонли торларда, Гарбий Кавказда тарцалган. Ўзбекистонда оддий черемуха (*P. racemosa*) ва экзотик турлардан **Виргиния** черемухаси (*P. Virginiana*) а)\$ён-а)\$ёнда декоратив усимлик си- фатида устирилади (42-раем).

**Лавролча авлоди (*Laurocerasus*).** Бу авлод вакиллари буйи 3 мстрга етади, гулининг ок; булиши ва чочо 1\$ тупгули билан черемухага ухшайди. Биро 1\$ баргининг йилтиро 1\$, доим яшил ва тукилмайдиганлиги билан черемухадан фар!\$ килади.

**Дори лавролча (*S. officinalis*).** Гарбий Грузиянинг урмонла- рида ва Арманистон тоғларидаги дараларда урмонлар >\$осил {\$и- лади. Лавролчанинг баргларида медицинада лавролча томчи- лари деган дори тайёрланади. Мевасидан тапщари з\$амма 1\$исми за>\$арли, экиладиганларининг меваси хийла йирик, еса булади.

**Церепадус авлоди (*Cerepadus*).** Бу авлод И. В. Мичурин то- монидан авлодларни узаро дурагайлаш йули билан, яъни олча- нинг (*Cerasus vulgaris*) идеал навини Узоц Шарада усувчи Макк черемухаси (*Padus makki*) билан чатиштириш натижасида чща- рилган.

----- | ----- Бу оила вакиллари тропиклар,  
**Хризобаланусдошчалар** да, купро!\$ Осиёда тар!\$алган, **онччаси**  
оддий доимий яшил барглари  
^Гън«гпья 1япягряр'4 навбатлашиб жойлашган, ён\*  
isuaiauaLcat^ баргли, даракх ^амда йирик,  
баъзан илашиб усувчи буталардир. Гуллари зигморф, [ \$уш гул-  
**Курронди.** Косача ва тожбарглари 5 та, оталиги куп, **баъ зан**



42-раем. Оддий чермуха (*Padus racemosus*):  
 А — гулли шохи; В — мевали шохи; Б — гул диаграммаси.

иплари 1\$ушилиб усган. Оналиги икки, бир мевабаргли булиб, гулцуррон ва оталиклар билан бирга жуда боти1\$ ёки найсимон гулурнининг цирроцларида жойлашган. Оилачага 200 тур киради. Шундан золотая слива (*C hr y sob alarms Icaco*) еса буладиган меваси учуй Америкада экилади.

Бу оила вакилларининг анатомик тузилиши атиргуллиларни- кидан фарц 1\$илади, чунки з\$ужайра пусти кремнезёмлашган, оризча тузилиши з\$ам бош!\$ачаро1\$. Шу жи^атдан баъзи систе- матиклар буни мустацил оила 1\$илиб ажратадилар, бопщалар эса атиргуллиларнинг ало^ида оилачаси деб }\$исоблайдилар.

Кv оилачанинг, бир томондан, олхуридошлар билан, гулининг зигоморфлиги жи^атдан баъзи дуккакдилар билан ?\$ам ^арин-лош эканлиги шубхасиздир.

Атиргулдошларнинг хужаликдаги аҳ;амияти. Атиргулдошлар оиласига 120 авлод ва 2000 дан орти^рок\* тур киради. Шуларнинг ^з^авлоди ва 700 тури СССР флорасида, 35 авлоди ва 153 тури **Ўзбекистан** флорасида учрайди. Бу оила вакиллари бошқа оила-лардан морфологик тузилиши, систематик урин жпхатидангнна ажралиб ^олмай, Яна физиологик ва биохимик процессларда ^о- сил буладиган моддалари билан ^ам фар 1\$ 1\$илади.

Атиргуллилар оиласига кирувчи усимликларнинг ишлаб чи- царган ма^сулотлари орасида энг характерлиларидан бири ци- анли гликозидлар булиб, улар барта органларда кенг тар^алган, Бу ^симликларнинг мевасида органик кислоталардан з^ар хил ■^андлар, турли ферментлар, марзида эса мойлар куп булади. Илдиз, пуслло^ ва барглари дубил (ошловчи) моддаларга роятбой булади. Лекин бу оила вакиллари орасида алкалоидли тур- лар ^еч учрамайди. Бу оила вакиллари орасида меваларида куп мик- дорда к;анд моддалари, хилма- хил органик кислоталар, витамин- лар ва эфир мойлари булади. Шунинг учун булар а^олининг энг яхши меваларидан ^исобланади.

Ёввойи ^олда усадиган ва экиладиган мева усимликларининг энг мухим турлари шу оилага мансубдир. Масалан: олма, урик, нок, нашвати, бе^и, дулана, шафтоли, олхури, олча, тоголча, бодом, ^улупнай, малина, маймунжон шулар жумласидандир.

Юракка ором бахш этадиган бе^ининг хушбуй ^идли меваси янгилигида мураббо ва очар цилинади. Уруридан тайёрланган елимдан ма^аллий а^оли фойдаланади. Ба^ор байрами — 1 Май- га мезаси пишадиган гилос, ундан кейин етиладиган олча, бу- лардан тайёрланган мурабболарни билмаг-ан одамлар ^арийб булмаса керак.

Шимолий ярим шарда майда урурли мева дарахтлар усади- ган майдоннинг энг куп ^исмини олма дарахти, ундан кейин эса нок дарахти эгаллайди. Буларнинг хар иккаласи >^ам энг ^адим- ги мева усимликлардир. Олма дарахти шимолий ярим шарнинг карийб дамма ерида, нок дарахти эса асосан жанубий районла- ридагина экилади.

Куп борларда учрайдиган райноли барчага маълум. СССР нинг шар^ий ва шимолий районлари учун И. В. Мичурин томо- нидан яратилган олхурининг маш^ур навларидан: Ренклод кол- хозний, Ренклод терновний, Ренклод реформа ун еттита област- нинг стандарт дарахтлари булиб долган. Урта Осиёда, Кавказ- да. ^исман Украинада куп экиладиган урикнинг 5^ам а^амияти катта. Урикнинг меваси ^андга, хусусан фруктозага ^амда «А» ва «С» витаминларга жуда бой булиб, у ^уллигида ^ам, ^уруцлиги-

да з^ам ов^ат сифатида истеъмол ^илинади. Данак пучогидан активланган кумир, магзидан 58% гача эса буладиган ёр олинади. Урик ёри парфюмерия, фармацевтикада, кисман ов^ат саноати- да ишлатилади. Шафтоли з^ам яхши мевалардан ^исобланади. Шафтолининг меваси ^уллигида ейилишидан таш^ари, урик сингари консерва, мураббо ва ликёрлар тайёрлашда ишлатилади. Бодом эса роят танси^, дастурхонга эса зийнат берадиган мевалар ^аторига киради. Дулана ва маймунжонлар халкнинг табиий даромад манбаи з^исобланади. Булар хушхур мевалардир. К,у- лупнай эса ба^орда з^ул меваларнинг эскиси тугаган пайтда етиладиган, з^ар хил витаминларга роят бой мева з^исобланади.

Атиргулдошлар оиласи учун яна талай декоратив усимликлар хосдир. Масалан: парк ва борларда экиладиган тубулги, четан, наъматак, ^ирцорайни шулар жумласидандир. Казанлик атиргу- ли техникада а^амиятга эга. Унинг тожбаргидан роят хушбуй цимматбаз^о эфир мойи олинади.

Атиргулдошлар оиласи учун шифобахш усимлик турлари хосдир. Масалан: итбурунларнинг гипангийидан (мевасининг эт цисмидан) «С» витамини олинади. Мевасининг таркибида «С» витаминдан таш^ари яна «В», «К», «Р», провитамин «А» з^ам бор. Булардан олинadиган витаминлар таблетка ва шарбат шак- лида тайёрланади. Бодом, урик ва шафтоли маризларидан ме- дицинада ишлатилadиган мой олинади. Дулананинг мевасидан юрак касалини даволайдиган, ^он босимини пасайтирадиган, уй^усизликни йу^отадиган дори тайёрланади. Малина мевасининг ^уритилгани терлатувчи ва сийдик з^айдовчи дори сифатида ишлатилади. Бешбаргнинг илдизи халк; медицинасида юрак орри^ касалликларини даволашда ^улла- нади. Х>амма ерда кенг тар^алган ерчойдан сохта чой ^илинади. Ширчой, лабазник, тан- гачу, бешбарг ва боишчалардан ошловчи моддалар олинади. Ширчой дубил моддасидан тайёрланган препарат ични ^отирув- чи восита сифатида тавсия ^илинган. Кукутдан тайёрланган препарат ^он тухтатувчи, яраларни тuzатувчи, i^oh томирларини торайтирувчи хусусиятга эга. Эфиопияда усадиган хаченна обиссиния (*Hagenia abyssinica*) дарахтининг гуллаб булган тупгули лентасимон гижжага ^арши энг яхши дори булиб з^исоб- ланади. Урик, олча ва шафтолилардан чивдан елим з^ам медици- нада эмульсия тайёрлашда цуланади. К,арийб, оиланинг барча вакиллари асал берувчи усимликлар з^исобланади.

Шуни з^ам айтиб утиш керакки, хужалик аз^амиятга эга булган хилма-хил турларга бой булишига ^арамай, унинг вакилла- ри орасида цишлоц хужалиги экинларига катта зиён етказадиган бегона утлар з^ам учрайди. Бу оилага мансуб булган бегона утларга поча^ир^ар ёки почадарон, бешбарг, маллачой, кукут ва боишчалар мисол була олади.

### ДУККАКГУЛЛИЛАР АЖДОДИ (LEGUMINOSALES)

Мураккаб баргларининг навбатлашиб жойлашиши, оналиги-нинг купинча бир мевабаргли, устки тугунчали ва бир уяли булиб мевасининг эса ^урук;, дуккак мева булиши бу аждод-нинг асосий белгиларидан бири ^исобланади. Бу аждод вакил-чари баргларининг навбатлашиб урнашиши ва ёнбаргли булиши, актиноморф гулли турларнинг учраши, баъзан оталикларининг куп булиши дуккакгуллилар билан атиргуллилар оилаларининг орасида *аниц* генетик боғланиш бор эканлигини курсатади. Бу атиргуллилардан ажралиб чициб ривожланиши туфайли муста^ил аждодга айланган. Юксаклик белгилари атиргулли-ларга нисбатан яхши ифодаланган. Дуккакгуллиларда ка-майиш йули билан чексиз оталиклардан маълум сонли ота-ликларнинг пайдо булиши, актиноморф гулдан зигоморф гул-ларнинг келиб чи^ишини (себарга, лимоза), баргларининг филлодийларга айланиш ^одисаларини кузатиш мумкин. Яна жуда характерли му^им белгилардан бири, шу аждодга i^араui-ли турларнинг ^аводаги эркан азотни узлаштирадиган азот тупловчи бактериялар билан биргаликда симбиоз ^аёт кечири-шидир. Азот тупловчи бактерияларнинг фаолияти натижасида уларнинг илдизларида тугунакчалар ^осил булади. Улар туп-ро^нинг унумдорлигини оширишга ва дуккакгуллиларнинг азот-ли моддаларга ни^оятда бой булишига сабаб булади. Дуккакгуллилар аждоди 12 000 дан орти^ турни уз ичига олган, уз навбатида 3 оилачага булинадиган ягона дуккакдошлар оила-сидан иборат.

\*"■'■■■' ■——■■■ ———..... . ■ Бу оила вакиллари дарахт, бу-

**Дуккакдошлар оиласи** та ёки куп йиллик ва бир йил-

(Leguminosae)

лик усимликлардир. Улар-

' » 'нинг пояси тик чиадан, илашув-чи, уралувчи, ётиб усувчи булади. Барглари аксари вацт мураккаб, баъзан оддий, ^амиша ёнбарглидир. Баргларида купинча барг ва баргчаларнинг }\аракат ^илишига ёрдам беради-ган ^ал^ачали ало^ида ёстицчалар таравдий этади. Гуллари >сар хил рангли, икки жинсли, зигоморф, баъзан актиноморф булиб, чочо^ ёки каллакча типидagi тупгулда жойлашган. Ко-сачаси 5, баъзан 4 косачабаргли, купинча ^ушилиб усган булади. Актиноморф гултожлар 4—5 тожбаргли, зигоморф гултожлар эса 5 тожбаргли, усткиси жуда катта булади ва *елкан* дейилади. Иккита ёнидагиси ^анот, оталиклар жойлашиб цушилиб усгани иккита осткиси *цайицча* деб айтилади. Айрим хилларида тожбарг-«инг сонича, 4—5 ёки чексиз булади. Баъзан бутунлай булмайд. Оталигининг сони одатда 10 та, 9 таси ^ушилиб усади, 1 таси




эркин булади. Оналиги 1 та, бир мевабаргли, купинча цушилиО усган оталиклар билан уралгандир. Тугунчаси устки ва бир уяли. Меваси шакли ва катталиги жи^атдан хилма-хил булган дуккакдир. Оила эса характерли булган мевасига кура дук- какдошлар номини олгандир. Дуккагида Г тадан тортиб бир ^анчагача буйраксимон уруги булади. Дуккаги купинча к;орин ва орі^а чоклари буйлаб ёки бир чокидан чатнайди. Баъзи лолларда кусакчага ухшаб очилади (себаргада) ёки бутунлай очилмайди. Очилмаган з^олда дуккаги резаворсимон мева шак- лини олади (тамариндус, цератоник) ёки данакча (диптерикс), ёки бир ва куп урурчали ёнро^ча (^апшарбедада), ёки урури канча булса кундалангига шунча булакларга ажраладиган буримли дуккак шаклини олади. Урурида эндосперм з^ам, перисперм з^ам булмайди ва урурбарги роят^этли булади. Х,ашарот- лар воситаси билан баъзан ва уз-узидан чангланади. Дуккак- лилар оиласи 550 авлод ва 12100 дан орти^ро^ турдан ташкил топган булиб, ^арийб ер шарининг з^амма ^исмига тар^алган- дир. СССР флорасида бу оиланинг 60 авлоди ва 1700 тури, Узбекистонда эса 57 авлоди ва 470 дан купрок; тури бор ди-р. )^ажми жи^атдан дуккакдошлар оиласи бизнинг шароитда му- раккабгуллилар оиласидан кейин, иккинчи уринни ишгол ки- лади. СССРда усимликлар ^опламини ташкил этишда з^ам маълум уринни эгаллайди. Дуккакдошлар оиласи куп система- тиклар томонидан 3 оилачага: 1) мимозадошчалар, 2) цезалпин- дошчалар, 3) капалакдошчалар оилачасига булинади. Мимозадошчалар оилачаси узининг 1^атор белгилари билан атиргулдош- ларга роят я^ин туради ва атиргулдошлар билан дуккакдошлар оиласини борловчи восита з^исобланади.

Мимозадошлар оилачаси (*Mimosaideae*). Бу оилача вакиллари дарахт, бута, баъзан ут усимликлардир. Булар барглари купинча мураккаб, патсимон ёки цуш патоимон булиб, ён баргларининг ^атти^ тиканларга, барг бандларининг узгариб барг- симон пластинкачаларга, яъни филлодийларга айланганлиги билан характерланади (43-раем). Уларнинг гуллари турри, бир оз майда булиб, зич шарсимон каллакча ёки бошо^симон туп- гулда жойлашган. Косача ва гултожлари (баъзан гултожлари булмайди) купинча 4 ёки 5, баъзан 3 аъзоли булади. Косача ва тожбарглари бир оз ^ушилиб усгандир. Оталигининг сони косачабарглар сонига тенг ёки ундан икки марта орпшро^, ёки куп, эркин ёки иплари сал ^ушилиб усган. Оталик иплари ту^ ^изил, пушти, сарик; ва бош^а рангларда булганидан кузга яздош ташланиб туради. Оналиги 1 та, бир мевабаргли, баъзан куп мевабаргли (*Affonica* авлодида 2—6 та) булади. Меваси дуккак, булакчаларга ажралган буримли дуккак ёки i^уруi^ ёнро^ча. Урури купинча йирик ва турри, уруркуртакли булади.

дуккакгуллилар аждоди <LEOUMINOSALES)

Бу оилача 1500 турдан таркиб топган булиб, тропик мамлакатларда тарқалгандир. Муҳим авлодларига акация (*Acacia*), мимоза (*mimosa*), инга (*Jnga*), албиция (*Albizzia*) ва бошқа-




43- раем. Мимозадоршчалар оилачаси (*Mimosoidea*):

*A* — акациянинг гули ва мевали шохи; *B* — акациянинг *Acacia melonox* у *Ion* филлодийли шохи; *B* — гули; *Г* — акация гулининг (*A. lophantha*) диаграммаси; *Д* — мимозанинг (*Allmoosa paduca*) гул диаграммаси; *E* — чумсушсеवार акациянинг (*Acacia nicoiensis*); *Ж* — уятчан мимозанинг (*Mimosa pudica*) барги очилган ва юмилган ҳолда; *1* — озиц моддали барги; *2* — чумолилар ^осил қилган тешик й^л.

**Акация** авлоди (*Acacia*). Акациялар 500 турдан иборат, му - раққаб баргли, оталиги 10 дан орти^, сари^ ёки тук; сари^ рангли, эркин, тугунчаси 1 та ёки бир раққаб, уртача катталиқдаги да-

рахт булиб, 300 тури Австралияда, долган 200 тури Африкада тар^алгандир. Австралияда усадиган акациялар барг банди-нинг филлодийларга айланиши билан, Африка акациялари эса филлодийсиз ва шох-шаббасининг соябонсимон булиши билан характерланади. Акациялар купчилик турларининг цобигида,



44- раем. Арабистон акацияси (*Acacia arabica*).

